

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 722-ҳадис

722/1450 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ أَبَا بَكْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَتَبَ لَهُ الَّتِي فَرِضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى

الله عليه وسلم: «وَلَا يُجْمِعُ بَيْنَ مُتَفَرِّقٍ، وَلَا يُفَرَّقُ بَيْنَ مُجْتَمِعٍ، حَشْيَةً الصَّدَقَةِ».

722.1450. Анас розияллоҳу анҳу шундай сўзлаб берди:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳу унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фарз қилган нарсани «Закот(кўпайиб ёки озайиб кетиши)дан қўрқиб, (молини) ажратгандарники қўшилмайди, қўшганларники ажратилмайди», деб ёзиб юборди.

Изоҳ: Бу ҳадисда закот тўпловчи омил олинадиган закот миқдорининг камайишидан қўрқиб, мол-қўйини алоҳида боқаётган кишиларнинг молини қўшмаслиги ёки бирга боқаётганларнинг молини ажратмаслиги кераклиги айтилмоқда. Айни пайтда, мол эгалари бериладиган закот миқдорининг кўпайиб кетишидан қўрқиб, бирга боқаётган ҳайвонларини ажратиб олишлари ёки қўшиб юборишлари ҳам мумкин эмас.

Манба: hadis.islom.uz

